

Илмий ишлар

Кафедрада давлат илмий техника дастурлари доирасида бажарилиши 2018 2019 йилларга мўлжалланган ёш олимлар илмий амалий давлат гранти бажарилди. Ушбу иш натижасида қуйидагилар олинди:

- Деҳқон ва томорқа ерларидан фойдаланишнинг ташкилий иқтисодий механизмларини эркинлаштириш стратегиясининг концептуал асосларини яратиш ишлари асосланди;
- Мавзу бўйича халқаро ва република илмий амалий семинар, конференцияларда маърузалар билан иштирок этилди, қатор илмий мақолалар чоп этилди;
- Тадқиқот натижаларини ердан фойдаланиш амалиётига ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш материаллари тайёрланди ва бу борада манфаатдор корхона ва муассасалар билан ҳамкорлик қилинди.

2019 йилда “Ўзбекистоннинг чекланган сув тақсимоли шароитида фермер хўжаликлари ерларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ва иқтисодий қийматини аниқлаш мавзусидаги давлат бюджети ишлари яқунланди. Кафедрада бугунги кунда кейинги, 2020 йил учун давлат грантлари асосида бажариш учун инновация вазирлигида танловда иштирок этишга республика қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган 2 та номдаги илмий тадқиқот ишларига хужжатлар тайёрланмоқда. Илмий тадқиқотлар натижаси сифатида 2019 йилда кафедрада 2 та номдаги монография, битта ўқув қўлланмаси ва ОАК эътироф этган журналларда 24 та илмий мақолалар чоп этилди.